

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИК

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7856338>

Махманова Хосият Нормӯминовна
Ф.ф.н.доцент

Аннотация:

Миллатлараро толерантлик одамларни жислаширади, ўзаро ишончини мустаҳкамлаб маънавий муҳитни яҳшилашини ва бу эса жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсаташини, Толерантлик инсон ҳуқуқларини юзага чиқаришининг муҳим шартларидан бири эканлиги асослаб берилди.диди.

Таянч иборалар.

миллатлараро, толерантлик, кўпмиллатли, қадрият, жамият, тараққиёт

Кириш

Ҳар қандай кўпмиллатли мамлакатда, хусусан Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг интеллектуал, маданий ва иқтисодий салоҳиятларини юрт тараққиётини ривожлантиришга сафарбар этувчи қудрат миллатлараро тотувликнинг таъминланиши билан боғлиқ. Чунки миллатлараро тотувлик «умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиласиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди». [1] Миллатлараро тотувлик-кўпмиллатлиликнинг ривожланишини таъминловчи муҳим асосдир.

Адабиётлар Тахлили Ва Методологияси

Юқоридаги адабиётларга мурожаат қилисангиз, миллатлараро тотувлик умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиласиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайдиган диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга ега бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшashi ҳақида маълумотлар келитирилган Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ва А.Эркаевнинг

Маънавиятшунослик асарларида, изланишларида фикр ва мулохазаларини билдириб ўтишган.

Натижа Ва Мухокамалар

Кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш шу мамлакатда барқарорлик ва тараққиётнинг кафолати, унинг истиқболини таъминловчи асосий омилдир. Чунки ҳар қандай давлатда миллий низолар ва зиддиятлар ўша давлатда барқарорликнинг барбод бўлишига ва охир-оқибатда унинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай мамлакатда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириб бориш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тотувликни саклашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг катта қадриятимиз, бу - жамиятимизда хукм суроётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқдир. Бугунги қундаги яна бир муҳим вазифа мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиларапо тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ. Бунда инсонпарвар, адолатли, хуқуқий жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз аҳолиси онгода ҳар бир миллатнинг ўз миллий маданияти борлигини, ҳар бир этнос, этник гурӯҳ дунёда ягона эканини, уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, зинҳор бирини бошқасидан устун қўйиш мумкин эмаслигини назардан қочирмаслик ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Бугун миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш бир давлат ҳудудида кечадиган ҳодисалар эмас, улар халқаро, айниқса минтақавий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, этносиёсат миллий давлатлар томонидан ишлаб чиқилса ва амалга оширилса-да, у мудом халқаро ёки минтақавий резонанс берадиган ҳодисага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва халқига йўллаган Мурожаатномасида "...жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга чиқамиз"[2] деган ғояни алоҳида таъкидладилар. Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибига кўра аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ҳозир Ўзбекистонда 136 та миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Айниқса, Конституцияда «Ўзбекистон

халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»[3],- деб битилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ифода нафакат турли миллат ва элат вакилларининг teng ҳуқуқлигини қайд этганлиги, балки янги, «ўзбек халқи» тушунчасидан приинципиал фарқ қиласиган «ўзбекистон халқи» тушунчасини қонунийлаштиргани билан аҳамиятлидир. «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг қонунийлаштирилиши миллатлараро тотувлик, миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик Ўзбекистоннинг муҳим атрибути эканлигини ифодалаб берди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдир».[4]

Асосий қонунимизда “толерантлик” (бағрикенглик) алоҳида ажралиб туради.

Конституциямизнинг 4-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва елатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади деб қайд қилинган. Давлатимизнинг ушбу муҳим соҳадаги давлат сиёсати “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг бешинчи ”Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устивор йўналишида” белгиланган.

Юртбошимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил етилган. Республикада ҳозирги пайтда қатормиллатлар вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. 14 МММ республика мақомига эга. 31 корейслар, 23 руслар, 10 тожиклар, 9 қозоқлар, 9 татарлар (3 та татар-бошқирд МММлари) тузилган. Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та, краинлар ва

киргизларда 6, туркларда ва Европа яхудийларида 5 тадан МММ бор. Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан, уйгурлар ва Бухоро яхудийлари Зтадан, белоруслар ва қрим татарлар 2 тадан, араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоклар, хитойлар ва дунганлар 1 тадан МММ фаолият олиб боради.

Республика байналмилал маданият маркази ва МММ фаоллари орасида В. Б. Пак Хозирда мамлакатимиизда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш етади, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр етилмоқда. Жумладан, (ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, кирғиз, тоҷик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшилтиришлар олиб борилади. Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, кирғиз, корейс, тоҷик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпок, рус, инглиз, қозоқ, кирғиз, тоҷик, туркман) босилади. Ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, кирғиз, тоҷик, туркман тилларида амалга оширилади

Республика байналмилал маданият маркази ва МММ фаоллари орасида В. Б. Пак (Хоразм вилояти корейс маркази фаоли), Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси, рус маркази фаоли С.Герасимова каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари, 80 га яқин киши “Дўстлик”, “Мехнат шуҳрати” орденлари, “Шуҳрат” медали, фахрий унвонлар, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрликлари каби юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Мукофотланганлар қаторида 24 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар вакиллари Шу билан бир қаторда ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон каби қўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Диний бағрикенглик гояси хилма-хил диний ёътиқодга ега бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англашади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждан еркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қиласлиқ ҳуқуқига ега. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган норма киритилган. “Виждан еркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида”ги қонунда ҳам фуқороларнинг

юқорида келтирилган конституциявий ҳуқук ва еркинликлари мустахкамланган. Кўпмиллатли мамлакатлар учун ўзга тилларга, урф - одатларга, маданиятга, эътиқодга бағрикенг бўлиш катта аҳамият қасб этади. “Толерантлик миллатларнинг миллий маданиятларнинг ўзаро алоқа қилиши, бир - биридан ўрганиб, ўзаро бойишининг биринчи шартидир”.[5] дейди файласуф олим Абдурахим Эркаев.

Миллатлараро муносабатларда ўзаро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарақиётига хизмат қиласидиган ғоят муҳим омилдир. Зоро, жамият томонидан унинг парчаланиши ва бекарорлашуви учун кучли омил сифатида юзага келадиган миллатлараро манфаатларнинг тўқнашувига олиб келади. Миллатлараро муносабатлардаги ўзаро тенглик, самимийликка асосланган тотувлик ва диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик тараққиётимизнинг муҳим омилларидан бири эканлиги халқимиз онги ва қарашларида шаклланган ҳамда ҳаётимизнинг реал амалиётига айланаётган бир шароитда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Миллатлараро толерантлик одамларни жипслаштиради, ўзаро ишончини мустаҳкамлаб маънавий муҳитни яхшилайди. Бу эса жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Толерантлик инсон ҳуқуқларини юзага чиқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Акс ҳолда одамларни жинсига, тилига, миллатига, динига, ижтимоий келиб чиқиши ва ахволига қараб бир биридан ажратиш, кимларнидир камситиш, чеклаш, хўрлаш каби иллатлар яшаб қолаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамоӣиллар.- Т.: Янги аср авлоди. 2001. -166-б.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабр, №276(7778).
- 3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон.2018. -9-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон.2018. -9-б.
- 5.Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. - Т.:Маънавият, 2018. 338-бет